

Фойда солиғи бўйича ҳисобот шаклларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида маълумот

Фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Фойда солиғи** ҳисоб-китоби (*пакет коди 10205_40*);
- **Фойда солиғи** ҳисоб-китоби (*НКМК АЖ ва ОКМК АЖ учун пакет коди 10205_35*);
- **Фойда солиғи** ҳисоб-китоби (*Суғурта корхоналари учун пакет коди 10205_38*);
- Солиқ агентлари томонидан **тўлов манбаида ушлаб қолинадиган дивидендлар ва фоизлар тарзида** тўланадиган даромадлардан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби (*пакет коди 10202_9*);
 - Норезидентларнинг даромадидан солиқ агенти томонидан **тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғининг** ҳисоб-китоби (*пакет коди 10307_5*);
 - **Фойда солиғи** ҳисоб-китоби (*Соддалаштирилган тартибини қўлловчи солиқ тўловчилар учун пакет коди 10205_39*);

I. Фойда солиғи (пакет коди 10205_40) ҳисоб-китобига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида.

1.1. Ҳисобот шаклига киритилган ўзгартириш бўйича.

Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар бўйича фойда солиғини ҳисоблаш мақсадида амортизация қилинадиган активларни тан олинининг алоҳида тартиби жорий қилинди. Бунда, фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлаш мақсадида амортизация қилинадиган активларга Солиқ кодексига келтирилган мезонларга жавоб берадиган асосий воситалар ва номоддий активлар киритилиши белгиланди.

Бундан ташқари, фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда қўлланиладиган амортизация ажратмаларининг йиллик нормалари бўйича ўзгартиришлар киритилди. Шу билан бирга, солиқ тўловчиларга бухгалтерия тўғрисидаги қонунчиликка асосан Солиқ кодексига белгиланган меъёрлардан паст миқдорларда амортизация ҳисоблаш ҳуқуқи берилди.

Юқоридаги киритилган ўзгартиришларга асосан товарлар (хизматлар) ишлаб чиқариш харажатлари шаклланишида бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлари билан солиқ солиш мақсадларида солиқ ҳисоби маълумотлари орасида тафовутлар юзага келди.

Юқорида келтирилганларга асосан ҳисобот шаклига қуйидагича қўшимча иловалар киритилмоқда:

– **2.1-илова.** Солиқ ҳисоби маълумотларига кўра харажатлар (зарарлар)

– **2.1(а)-илова.** Бевосита харажатлар **моддалари асосида** товарлар (хизматлар) таннарни (ўз маҳсулоти (жу жумладан бажарилган хизматлар), сотиб олинган товарлар) ҳисоб-китоби.

– **2.1(б)-илова.** Бевосита харажатлар **сумма асосида** товарлар (хизматлар) таннарни (ўз маҳсулоти (жу жумладан бажарилган хизматлар), сотиб олинган товарлар) ҳисоб-китоби.

– **4-илова.** Асосий воситаларнинг амортизацияси ҳисоб-китоби маълумотномаси.

– **5-илова.** Номоддий активлар амортизация харажатлари ҳисоб-китоби маълумотномаси.

– **12-илова.** Солиқ кодексининг 177-моддасига мувофиқ солиқ тўловчи томонидан солиқ базасига ва (ёки) солиқнинг (зарарнинг) суммасига мустақил равишда тузатишлар киритилиши тўғрисида маълумот.

Диққат !!!

Қўшимча сифатида киритилган ушбу иловалар солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботини йил якуни билан тақдим этилганда тўлдириши белгиланмоқда (12-илова бундан мустасно).

Шунингдек ҳисоботи шаклининг харажатлар бўйича 2-иловаси, солиқ ҳисоби маълумотларига кўра харажатлар (зарарлар) номи билан ўзгартирилди. Иловадан 040-120-сатрлари чиқариб ташланди ва айрим таҳририй ўзгартиришлар киритилиб содалаштирилди. Бунда мазкур илованинг тўлдирилиши тартиби ўзгаришсиз қолдирилиб, **солиқ ҳисоботини I-III чорақлар бўйича тақдим этилганда тўлдирилиши белгиланмоқда.**

Ҳисобот шакли йил якуни билан тақдим этилганда, солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш мақсадларида танлаган ҳисоб сиёсатидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб шаклидан товарлар (хизматлар) таннархи аниқлаш бўйича қуйидаги усулларидан бирини танлаши лозим бўлади. Бунда танланган усулга “1” рақами қўйилади. Булар қуйидаги усуллар:

– Бевосита харажатлар **моддалари асосида** товарлар (хизматлар) таннархи аниқланганда (2.1(а)-илова) мутаносиб ёки тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули;

– Бевосита харажатлар **суммаси асосида** товарлар (хизматлар) таннархи аниқланганда (2.1(б)-илова) мутаносиб ёки тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули;

1.2. Солиқ ҳисоби маълумотларига кўра харажатлар (зарарлар) 2.1-иловани тўлдириш тартиби.

Мазкур илова солиқ ҳисоботини йил якуни бўйича тақдим этилганда тўлдирилади. Иловада харажатлар икки гуруҳга ажратилган, булар сотилган товарлар (хизматлар) таннархи (020-сатр) ва жорий даврда амалга оширилган 020-сатрда кўрсатилганлардан ташқари бошқа харажатлар (030-сатр).

Сотилган товарлар (хизматлар) таннархи 020-сатр кўрсаткичлари – солиқ тўловчининг танловига кўра ҳисоб-китобнинг 2.1(а)-иловаси 090-сатри 5, 7- устунлари ёки 2.1(б)-иловаси 090-сатри 4, 6-устунларидан автоматик равишда шаклланади.

Жорий даврда амалга оширилган 020-сатрда кўрсатилганлардан ташқари бошқа харажатлар 030-сатр кўрсаткичлари – 0301-0334-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

1.3. Бевосита харажатлар моддалари асосида товарлар (хизматлар) таннархи (ўз маҳсулоти (жу жумладан бажарилган хизматлар), сотиб олинган товарлар) ҳисоб-китоби 2.1(а)-иловани тўлдириш тартиби.

Мазкур илова бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун ҳисоб сиёсатида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини моддалари асосида ҳисоб ҳужжатларини тузувчи солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилади.

Илова қуйидаги учта қисмдан иборат:

- Бухгалтерия ҳисоби
- Солиқ ҳисоби - мутаносиб усул
- Солиқ ҳисоби - тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули

Солиқ ҳисоби бўйича сотилган товарлар (хизматлар) таннархи солиқ тўловчи томонидан ҳисоб сиёсатида назарда тутилган харажатларни ҳисобга олишнинг иккита усулидан бири мутаносиб ёки тўғридан-тўғри усулни танлаш орқали тўлдирилади.

Солиқ ҳисоби бўйича мутаносиб усул танланганда, солиқ давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш (040-сатр) ва тайёр (сотиш учун мўлжалланган) маҳсулотлар қиймати (080-сатр) кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида шаклланган тегишли солиқ коэффициентига мутаносиб равишда автоматик тарзда шаклланади.

Солиқ ҳисоби бўйича тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули танланганда харажатлар моддалари асосида мустақил равишда солиқ ҳисоби маълумотлари асосида шакллантирилади.

010-сатр солиқ даври бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати 0101-0104-сатрлардаги харажатлар моддалари асосида автоматик равишда шаклланади.

020-сатр жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган чиқимлар 0201-0204-сатрлардаги харажатлар моддалари асосида автоматик равишда шаклланади.

030-сатр жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган жами харажатлар 010-020-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

040-сатр солиқ давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати 0401-0404-сатрлардаги харажатлар моддалари асосида автоматик равишда шаклланади.

050-сатр солиқ даври бошидаги (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотлар қиймати ўз ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (0501-сатр) ва қайта сотиш учун сотиб олинган товарлар қийматидан (0502-сатр) автоматик равишда шаклланади.

060-сатр жорий даврда кирим қилинган (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотларнинг қиймати 0601-0602-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

070-сатр жорий даврдаги (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотларнинг умумий қиймати 050-060-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

080-сатр давр охирига (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотлар қиймати 0801-0802-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

090-сатр сотилган товарлар (хизматлар) таннархи 070-080-сатрлар айирмасидан автоматик равишда шаклланади.

1.4. Бевосита харажатлар сумма асосида товарлар (хизматлар) таннархи (ўз маҳсулоти (жу жумладан бажарилган хизматлар), сотиб олинган товарлар) ҳисоб-китоби 2.1(б)-иловани тўлдириш тартиби.

Мазкур илова бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун ҳисоб сиёсатида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини умумий миқдор кўрсаткичлари асосида ҳисоб ҳужжатларини тузувчи солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилади.

Илова қуйидаги учта қисмдан иборат:

- Бухгалтерия ҳисоби
- Солиқ ҳисоби - мутаносиб усул
- Солиқ ҳисоби - тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули

Солиқ ҳисоби бўйича сотилган товарлар (хизматлар) таннархи солиқ тўловчи томонидан ҳисоб сиёсатида назарда тутилган харажатларни ҳисобга олишнинг иккита усулидан бири мутаносиб ёки тўғридан-тўғри усулни танлаш орқали тўлдирилади.

Солиқ ҳисоби бўйича мутаносиб усул танланганда, солиқ давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш (040-сатр) ва тайёр (сотиш учун мўлжалланган) маҳсулотлар қиймати (080-сатр) кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида шаклланган тегишли солиқ улушига мутаносиб равишда автоматик тарзда шаклланади.

Солиқ ҳисоби бўйича тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули танланганда харажатлар умумий миқдор кўрсаткичлари асосида мустақил равишда солиқ ҳисоби маълумотлари асосида шакллантирилади.

010-сатр солиқ даври бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати акс эттирилади.

020-сатр жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган чиқимлар 0201-0204-сатрлардаги харажатлар моддалари асосида автоматик равишда шаклланади.

030-сатр жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган жами харажатлар 010-020-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

040-сатр солиқ давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати акс эттирилади.

050-сатр солиқ даври бошидаги (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотлар қиймати ўз ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (0501-сатр) ва қайта сотиш учун сотиб олинган товарлар қийматидан (0502-сатр) автоматик равишда шаклланади.

060-сатр жорий даврда кирим қилинган (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотларнинг қиймати 0601-0602-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

070-сатр жорий даврдаги (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотларнинг умумий қиймати 050-060-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

080-сатр давр охирига (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотлар қиймати 0801-0802-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

090-сатр сотилган товарлар (хизматлар) таннари 070-080-сатрлар айирмасидан автоматик равишда шаклланади.

1.5. Асосий воситаларнинг амортизацияси ҳисоб-китоби маълумотномаси 4-иловани тўлдириш тартиби.

Мазкур иловалар солиқ ҳисоботини йил якуни бўйича тақдим этилганда Солиқ кодексининг 306-моддасида белгиланган талаблар бўйича тўлдирилади.

Асосий воситаларнинг амортизацияси ҳисоб-китоби маълумотномаси қуйидаги учта қисмдан иборат:

I. Амортизация қилинадиган асосий воситалар;

II. Асосий воситаларнинг амортизацияси;

III. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати;

I. Амортизация қилинадиган асосий воситалар қисмида қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

3-устунида тегишли гуруҳлар бўйича ҳисобот даври бошига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, 4-9-устунларда солиқ даврида келиб тушган асосий воситалар ва уларнинг қийматидаги ўзгаришлар, 10-устунида солиқ даврида фойдаланишдан чиқарилган асосий воситаларнинг қиймати ҳамда 11-устунида ҳисобот даври охирига амортизация қилинадиган асосий воситалар қиймати автоматик равишда акс эттирилади.

II. Асосий воситаларнинг амортизацияси қисмида қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

12-устунда тегишли гуруҳлар бўйича ҳисобот даври бошига жамғарилган амортизация, 13-устунда солиқ даврида ҳисобланган амортизация, 14-устунда қўлланилган инвестициявий чегирма, 15-устунда солиқ даврида фойдаланишдан чиқарилган асосий воситалар бўйича амортизация ва 16-устунда ҳисобот даври охирига жамғарилган амортизация автоматик равишда акс эттирилади.

III. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати бўйича 17-устунда солиқ даври бошига ва 18-устунда солиқ даври охирига қолдиқ қиймат автоматик равишда акс эттирилади.

1.6. Номоддий активлар амортизация харажатлари ҳисоб-китоби маълумотномаси 5-иловани тўлдириш тартиби.

Мазкур иловалар солиқ ҳисоботини йил якуни бўйича тақдим этилганда Солиқ кодексининг 307-моддасида белгиланган талаблар бўйича тўлдирилади.

Номоддий активлар амортизация харажатлари ҳисоб-китоби маълумотномаси қуйидаги иккита қисмдан иборат:

I. Амортизация қилинадиган номоддий активлар;

II. Фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар;

I. Амортизация қилинадиган номоддий активлар қисмида қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

– 010-сатрида номоддий активларнинг солиқ даври бошидаги қиймати, 020-021-сатрларида солиқ даврида келиб тушган номоддий активларнинг қиймати ва ўзгариши, 030-сатрда солиқ даврида ҳисобдан чиқарилган номоддий активларнинг қиймати ҳамда 040-сатрда номоддий активларнинг солиқ даври охиридаги қиймати автоматик равишда акс эттирилади.

– 050-сатрда солиқ даври бошига жамғарилган амортизация, 060-сатрда солиқ даври давомида ҳисобланган амортизация, 062-сатрда солиқ даврида ҳисобдан чиқарилган номоддий активлар бўйича амортизация ва 070-сатрда солиқ даври охирида жамғарилган амортизация автоматик равишда акс эттирилади.

– 080-сатрда солиқ даври бошига ва 090-сатрда солиқ даври охирига қолдиқ қиймат автоматик равишда акс эттирилади.

II. Фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича 100-180-сатрлар ҳам худди шу тартибда тўлдирилади.

1.7 Солиқ имтиёзлар бўйича 6-иловага киритилган ўзгартиришлар ва тўлдириш тартиби.

Солиқ тўловчилар эндиликда фойда солиғи бўйича тегишли имтиёзлардан “Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича мурожаат” интерактив хизматидан фойдаланган ҳолда мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш тўғрисида солиқ органларини хабардор орқали фойдаланишлари мумкин бўлади.

Бунда мавжуд солиқ имтиёзлари қуйидаги икки турга ажратилган:

– Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фойда солиғидан озод этиш тарзидаги имтиёзлар (051-056-сатрлар);

– Солиқ кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш тарзидаги имтиёзлар (061-066-сатрлар);

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фойда солиғидан тўлиқ озод этиш тарзидаги имтиёзлар илованинг 051-056-сатрларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури, санаси, рақами, номи ва имтиёз суммаси кўрсатган ҳолда тўлдиришлари лозим бўлади. Бунда солиқ имтиёзи белгиланган тартибда ҳисоб-китобнинг 040-сатрида автоматик акс эттирилиб, солиқ базасидан чегирилади.

Солиқ кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш тарзидаги имтиёзлар илованинг 061-066-сатрларида пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллашга асос бўлган ҳужжатнинг тури, санаси, рақами, номи ва пасайтирилган солиқ ставкаси қўлланиладиган фаолияти бўйича товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад суммаси акс эттирилиши лозим бўлади.

Бунда ҳисоб-китобнинг 070-сатрида Солиқ кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланган пасайтирилган солиқ ставка автоматик равишда акс эттирилади.

1.8 Солиқ кодексининг 177-моддасига мувофиқ солиқ тўловчи томонидан солиқ базасига ва (ёки) солиқнинг (зарарнинг) суммасига мустақил равишда тузатишлар киритилиши тўғрисида маълумотни тўлдириш тартиби.

Мазкур илова солиқ тўловчи томонидан солиқ кодексининг 177-моддасига мувофиқ мустақил равишда тузатиш киритилган ҳар бир битим бўйича идентификация қилиш имконини берадиган маълумотларни ҳисоботнинг 1-илоvasи трансферт нархни белгилаш натижасида олинмаган даромад суммаси (170-сатри) ва 2-илоvasи трансферт нархни белгилаш натижасида оширилган харажат суммаси (0118-сатри) кўрсаткичлари тўлдирилганда тушунтиришлар тақдим этиш мақсадида тўлдирилади.

II. Фойда солиғи (Суғурта корхоналари учун пакет коди 10205_38) ҳисоб-китобига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида.

Мазкур ҳисобот шакл суғурта фаолияти учун солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ушбу фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар учун ишлаб чиқилган.

Ҳисобот шаклига қуйидаги ўзгартиришлар киритилган:

Ҳисобот шаклининг харажатлар бўйича 2-илоvasи, солиқ ҳисоби маълумотларига кўра харажатлар (зарарлар) номи билан ўзгартирилди. Илоvaдан 040-120-сатрлари чиқариб ташланди ва айрим таҳририй ўзгартиришлар киритилиб содалаштирилди.

Шунингдек солиқ имтиёзларидан фойдаланиш юзасидан киритилган ўзгартиришлар суғурта фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун ҳам тадбиқ этилиши назарда тутилмоқда.

III. Солиқ агентлари томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинadиган дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадлардан олинадиган солиқ (пакет коди 10202_8) ҳисоб-китобига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида.

Ҳисобот шаклининг солиқ агенти томонидан жисмоний шахсларга тўланган дивиденд ва фоизлар тарзидаги даромад суммаларидан ушлаб қолинган солиқлар тўғрисида маълумотномадан (2-илоva) жисмоний шахсларнинг СТИР акс эттириш бўйича устунни чиқариб ташланиб, тегишли таҳририй ўзгариш киритилган. Солиқ ҳисоботини тўлдириш бўйича амалга тартиб ва қоидалар сақланиб қолинган.

IV. Фойда солиғи (Соддалаштирилган тартибини қўлловчи солиқ тўловчилар учун пакет коди 10205_39) ҳисоб-китобини тўлдириш тартиби;

Мазкур ҳисобот-китоб шакли Солиқ кодексининг 337-моддаси ўн биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган солиқ тўловчилар ва 360-моддасига асосан солиқ базасини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибини танлаган якка тартибдаги тадбиркор томонидан тўлдирилади

Соддалаштирилган тартибдаги солиқ базаси жами даромаднинг 25 фоизи миқдорида белгиланади.

Ҳисобот шакли ҳисоб-китоб ва жами даромадларни акс эттириш бўйича иловадан ташкил топган. Бунда солиқ тўловчи ҳисоботнинг 1-иловасида ҳисобот (солиқ) даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадини тегишли фаолият турини танлаган ҳолда 021-026-сатрларда ва бошқа даромадларини тегишинча 030-190-сатрда акс эттиради.

Ҳисоб-китобнинг 010-сатри жами даромадлар ва 020-сатри жами даромаднинг 25 фоизи миқдорида солиқ солинадиган база автоматик ҳисобланиб белгиланган ставка билан фойда солиғи ҳисобланади.

Норезидентларнинг даромадидан солиқ агенти томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китоби, “Навой кон-металлургия комбинати” ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятлари томонидан тақдим этиладиган фойда солиғи ҳисоботининг амалдаги шакллари ўзгаришсиз қолдирилди.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДЕПАРТАМЕНТИ